

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADO LAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 33 (994) • 2014-yil, 22-avgust, juma



Талабларнинг қондирилишида

очиқ-ошкоралик таъминланиши зарур

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда куриб чиқилди. **3➤**

Сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар

демократик тамойилларга асосланган

➤ Давра суҳбати

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигида Тошкент давлат аграр университетида “Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг такомиллашуви — сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг муҳим омили” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. **3➤**

Сиёсий жараёнлардаги муҳим палла

➤ Семинар

Мамлакатимиз сиёсий партияларини жиддий синовдан ўтказадиган сайловлар тобора яқинлашмоқда. Ушбу муҳим жараён орқали қайси партия кўпроқ халқ ишончини қозонганини аниқлаш мумкин. Табиийки, фуқаролар ўтган сайловларда берган ваъдасининг устидан чиққан, электорат манфаати йўлида жон куйдирган, сайловолди Платформасининг жозибадорлиги, халқчилиги билан ажралиб турадиган партиялар ва уларнинг номзодлари учун овоз беради. **2➤**

Тинчлик —

мустақил тараққиётимиз пойдевори

Бағрикенг ўзбек халқининг қайси хонадонига кирманг, фотиҳага қўл очиб, Яратгандан тинчлик ва осойишталик сўраб дуо қилинади. Бир-биримиз билан кўришганда ҳам тилагимиз тинчлик, омонлик. Зеро, инсоннинг муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч-осойишта ҳаёт кечиришидир. Тинчлик — улуғ неъмат, буюк саодат. Бугун мамлакатимиз турли соҳаларда катта муваффақиятларга эришаётган экан, бу аввало тинчлик ва осойишталик туфайлидир. **4➤**

Мустақиллик тенгдошиман:

бу мени янада юксак мақсадларга ундайди

2

Томчилатиб сўғориш:

ижтимоий-иқтисодий ва экологик самара

6

Байрам — эл-юрт фаровонлиги, тинчлик-тотувлик белгиси

Ҳаётимиздаги энг улуғ ва энг азиз байрам — истиқлолимизнинг йигирма уч йиллигига санокли кунлар қолди. Ҳар галгидек, бу сафар ҳам ушбу қутлуғ санани фахр-ифтихор, кўтаринки кайфият, эришилаётган янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдамиз. Истиқлол шароитида кечган умримизнинг ҳар йили, ҳар куни, ҳар дақиқаси тарихий воқеаларга бой бўлгани, моҳият салмоғи билан неча ўн йилликларни орта қолдиргани кўнгилни хушнуд этади.

Йигирма уч йилни бир фарзанднинг ўсиб-улғайиши, гайрат-шижоати жўш уриб, ақл-идроки камолга етгани, азму қарори тиниқлашганига қиёслаш мумкин. Бу давр ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда кечди. Ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, янада фаровон келажақ сари собитлик билан интилишимизнинг бош йўналишига айланиб қолган

Мустақиллик шу ўтган йиллар ичида огир синовлардан ўтди, қийинчилик ва машаққатларни енгиб, камолот чўққиси сари интилди. Бу улуғ неъмат ҳар биримизнинг онг-шууримизга, ақл-идрокимизга шу қадар чуқур сингдики, эндиликда ҳеч ким — ёшу кекса ўзини бир лаҳза бўлса-да, ундан айро ҳис этмайди. Аксинча, йигирма

уч йил ичида қўлга киритилган улкан ғалабаларда, мислсиз бунёдкорлик ишларида оз бўлса-да ҳиссамиз борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу ғалабаларни янада кўпайтириш, ютуқларни мустаҳкамлаш муқаддас бурч эканини дилдан ҳис этамиз. **4➤**

➤ Нанкин — 2014

Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қилаётган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ҳамюртимиз Владимир Свечников олтин медални қўлга киритди.



Спортчимиз — олимпиада чемпиони

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик навқирон авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб камол топиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шўғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши, жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шон-шўхратини янада кенг намойиш этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу Нанкин шаҳрида давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпиадада ҳам ўз исботини топаётди. **4➤**

Вақт синовидан ўтган дўстлик

Юртбошимизга Чин юртида кўрсатилган эҳтиромни кузатар эканмиз, Хитой томони Ўзбекистонимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини, унинг нафақат Марказий Осиё, балки жаҳонда ўзининг муносиб ўрнига эга эканини эътироф этаётганига шохид бўлдик

Бугун жаҳон айвонида содир бўлаётган воқеалар тинчлик ва барқарорликни сақлашда икки ва кўп томонлама асосдаги давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масаласи ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда. Бундай ҳамкорликда ўзаро манфаатдорлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳим ўрин тутди.

Айниқса, Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларда ана шундай руҳ ҳукмрон десак, муносабатлар бўлмайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик юксак даражага кўтарилди. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига, Ўзбекистон ва Хитойнинг иқтисодий тараққиётига, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қилаётган бу

алоқалар, аввало, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги дўстлик, мустаҳкам ишонч негизда, шунингдек, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация руҳида тараққий этмоқда. Қувонарли томони шундаки, дунёнинг қудратли давлатларидан бири Хитой Ўзбекистон

рахбариятининг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги ҳамда мамлакатда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигига юксак баҳо бераёпти.

Президентимизнинг ХХРга амалга оширган бу галги давлат ташрифи чоғида савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар ўзаро муносабатларнинг муҳим бўғини эканини инобатга олган ҳолда, ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини янада фаоллаштириш, савдо ва инвестицияга оид кўрсаткичларни юксалтириш, энергетика, ноҳомашё, юқори технологиялар, транспорт инфраструктураларини ривожлантириш соҳаларидаги ҳамкорлик кўламини ошириш масалалари муҳокама қилинди. **4➤**

Сиёсий жараёнлардаги муҳим палла

Навоий, Бошиқ 1-Боттиқ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан парламент палаталарининг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлаш, партия гоёси, дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб қилишда замонавий ва самарали усуллардан фойдаланиш, сайловга оид қонунчилик асослари билан таъминлаш ҳамда барча даражадаги партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган семинар-тренингнинг навбатдагиси Фарғона шаҳрида ўтказилди. "Партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов жараёнлари ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон "Адолат" СДП худудий кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш" мавзусидаги семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари иштирок этди. Йиғилишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг жорий йил ўтган давридаги фаолияти ахбороти ҳамда кун тартибидagi бошқа масалалар танқидий ёндашув билан кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтадиган жорий йил натижалари сиёсий партиялар учун муҳим саналиб, ўз навбатида бу партиянинг 2015-2019 йиллардаги фаолиятини ҳам белгилайди. Шу сабабдан мамлакат сиёсий майдонидagi мазкур синолда партиянинг муваффақиятини таъминлаш учун энг аввало, 2009 йилда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида йўл кўйилган камчиликларни таҳлил этиш, улардан тегишли хулоса чиқариш зарурлиги семинар иштирокчилари томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Сайловларга тайёргарлик ишларини депутатликка бўлажак номзодларни саралаш, уларни ўқитиш, партия сайлов штабларини ташкил этиш, номзодларнинг ваколатли вакил, ишончли вакил ва кузатувчиларга партиянинг фаол аъзоларидан саралаш ва уларни тайёрлаш, партия PR-кампаниясини тизимли ва ҳар томонлама пухта ўйланган тартибда олиб бориш ва энг муҳими, жойларда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини мустаҳкамлаш, сайлов оқруларига

да уларнинг сони ва таъсирини ошириш билан боғлиқ аниқ вазифаларни белгилаш зарурлиги кайд этилди.

— Юртимиз томонидан парламент палаталарининг кўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши, сайлов ҳуқуқларини тўла амалга оширувчи вазифаларни янада такомиллаштириш, айниқса, мазкур дастуриямал Концепцияда илгари сурилган Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари сиёсий партияларнинг фаолигини янада кучайтириш, уларга тенг шaroитлар яратиш, кўп партиявийликни ривожлантириш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров.

Эътироф этиш кераки, истиқлол йилларида мамлакатимизда сайлов қонунчилиги ва унинг норматив-ҳуқуқий негизи шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, шунингдек, ҳар бир сайловчи

бир овозга эга экани, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар, қонунности ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Бу борада амалга оширилаётган ислохотларни аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш орқали уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позициясининг шаклланишига ҳисса қўшиш асосий вазифамиз саналади.

Семинар-тренинг кун тартибига киритилган ҳар бир масала юзасидан маърузалар тингиланиши баробарида интерактив усулларда, амалий машғулотлар тарзида олиб бориладиган иштирокчиларнинг ўзаро таъриба алмашинувига хизмат қилди. Машғулотларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари партия Устави ва сайлов қонунчилигига мувофиқ худудий партия кенгашлари ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни амалий мисоллар ва тақдиротлар асосида кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва уларни амалга ошириш йўллари белгилаш, сайлов кампанияси жараёнларида худудий партия кен-

гаши сайлов штабларининг маҳаллий партия кенгаши сайлов штаблари билан алоқасини мувофиқлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш, сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича худудий партия кенгаши амалиётини ўрганиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Зулфия Исломобова, партиянинг Фарғона вилоят кенгаши раиси:

— Бугун юртодошларимизнинг салоҳияти, дунёқараши кенг, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак. Уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳам замон талабига мос. Шу нуқтаи назардан яқинлашиб келаётган парламент палаталари ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Ўтган сайлов сабоқларидан тўғри хулоса чиқарган сиёсий партиялар ҳам, кундан-кунга дунёқараши юксалиб бораётган фуқаролар ҳам муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этишга ҳозирлик кўраётир. Бу, ўз навбатида, партиялараро соғлом рақобатнинг ривожланишига хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, "Адолат" СДП гоёси, унинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш, гоёвий мақсадларни аҳолига таъсирчан, ишонarli тарзда етказиб бериш муҳим саналади. Бу эса партияимизнинг сайловлардаги муносиб иштирокини таъминлаш шубҳасиз.

Йиғилишда партиянинг 2014 йилга мўлжалланган ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажариш, масалаларни сид-

қидилдан ўрганиб, доимий комиссия, сессияларга кўтариш, пухта ўйланган таклифлар ишлаб чиқиш бўйича фаол ва ташаббускор партия гуруҳлари фаолияти мисолида тавсиялар берилди.

Семинар иштирокчилари тарғибот-ташвиқот ишларини янги технологиялар асосида олиб бориш зарурлигига эътибор қаратишди. Бу борада Қувасой шаҳар партия кенгаши иш таърибасини ўрганиш тавсия этилди. Семинарнинг иккинчи куниди иштирокчилар Ўзбекистон "Адолат" СДП Қувасой шаҳар партия кенгашига таъриф буюриб, кенгашнинг номзодлар захирасини шакллантириш ва сайловчиларнинг яшаш жойига кўра партия таъсирини ошириш йўллари борасидаги таърибалари билан яқиндан танишдилар.

Жонли ва амалий мулоқотлар, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган семинар-тренинг якунида кун тартибидagi барча масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг чора-тадбирлар дастури белгилаб олинди. Унда партия электорати билан ишлаш, партия манфаатини ҳимоя қила оладиган аъзолар ҳисобиغا сафларимизни кенгайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш ва сайловларга таралдуқ доирасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш вазифалари ўз аксини топди.

Дилором Меҳмонова, Ўзбекистон "Адолат" СДП Қувасой шаҳар кенгаши раиси:

— Бугунги семинар сайловларга ҳар томонлама муносиб тайёргарлик кўриш, партияимиз Устави ва Дастури ҳамда сайловолди Платформасидаги мақсад ва вазифаларини кўлаб-қувватловчи, аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилувчи муносиб номзодларни танлаб олиш жараёнида айнаиб муваффақ бўлди. Айни пайтда Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши томонидан сайловга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида сайлов штаблари ташкил этилган. Турли тадбир ва учрашувларда партия фаолларининг сайловларда иштирок этишга қаратилган аниқ таклиф ва мулоҳазалари олиниб, қизгин баҳс-мунозаралар олиб бориламоқда. Мазкур семинар бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришга туртки бўлади.

Қахрамон Қўлдошев

Мустақиллик тенгдошиман: бу мени янада юксак мақсадларга ундайди

Бугун биз Ўзбекистон ёшлари таълим олишимиз, спорт билан шуғулланишимиз, ўз иқтидор ва қобилиятимизни намойён этишимиз учун яратилган шaroитлардан ҳар қанча фaхрланасак арзийди. Бунинг мен каби мустақиллик йилларида ўсиб, камолга етган, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, турли халқорo фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, санъат фестивалларида юқори чўққиларни забт этаётган тенгқурларим мисолида ойтиш мумкин.

Мен ҳам мамлакатимизнинг чекка худудларидан бири — Янгибозор туманининг Қаландардурман қишлоғида туғилган бўлишимга қарамай, шаҳар марказларидан қолишмайдиган шaroитларда тахсил олиб, ўз қизиқишларим доирасида замонавий спорт иншоотларида шуғулланиб, спортнинг белбоғли кураш тури бўйича озми-кўпми муваффақиятга эришганимни истиқлол шарофати туфайли эканлигини таъкидлашни истар эдим.

Болалик чоғларимда қишлоғимизда тез-тез бўлиб турадиган тўйларда, сайилларда ва Наврўз байрамларида кураш мусобақаларига гувоҳ бўлиб, повонларнинг маҳорати, шижоатига тан берганман, эл катори мен ҳам уларни олқишлаганман. Айниқса, вилоят ва республика телевидениесида ёш повон қизларимизнинг Ўзбекистон, Осиё ва халқаро спорт ареналаридаги беллашувларини, галабаларини кўриб уларга

ритиб, уч карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим.

Отам Раҳимберган боғбон касби орқали эл-юрт хизматида, онам Ховажон ая уй бекаси бўлишларига қарамай, улар ҳеч қачон кураш билан шуғулланишимга қаршилик қилмаганлар. Шу сабабдан бўлса керак, мен улар билдирган ишончли оқлашга доим ҳаракат қиламан, қизлари билан фaхрланишимни истаб, ўз устимда тинимсиз ишлайман.

Белбоғли кураш бўйича қўлга киритган энг катта муваффақиятим 2011 йилда Астрахан шаҳрида 48 кг вазн тоифасида 1991-1993 йилларда туғилган ёшлар ўртасидаги ўтказилган жаҳон чемпионатида ва 2012 йилда Қозоғистонда катталар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кетма-кет олтин медалларга сазовор бўлганлигимдир.

Шунингдек, 2013 йилда Қозон шаҳрида талабалар ўртасида ўтказилган XXVII Бутунжаҳон Универсиада мусобақасида бронза медали соҳибаси бўлганимдаги қувончимни таърифлаб бера олмаганман. Ушбу мусобақада голиб бўлиш учун жуда каттик тайёргарлик кўрдим ва ўз мақсадимга эришдим. Айнан шу ютуғим туфайли халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига мушарраф бўлдим. Энг қувончлишим, шу йилда мамлакатимизнинг «Энг яхши аёл спортчиси» деб топилганим бўлди. Хозирда Хоразмий номидаги Урганч давлат университети жисмоний маданият фа-

культетининг учинчи босқичида тахсил олялман.

Албатта, спортчи сифатидаги муваффақиятлари баробарида, онам Ховажон ая уй бекаси бўлишларига қарамай, улар ҳеч қачон кураш билан шуғулланишимга қаршилик қилмаганлар. Шу сабабдан бўлса керак, мен улар билдирган ишончли оқлашга доим ҳаракат қиламан, қизлари билан фaхрланишимни истаб, ўз устимда тинимсиз ишлайман.

Шунингдек, 2013 йилда Қозон шаҳрида талабалар ўртасида ўтказилган XXVII Бутунжаҳон Универсиада мусобақасида бронза медали соҳибаси бўлганимдаги қувончимни таърифлаб бера олмаганман. Ушбу мусобақада голиб бўлиш учун жуда каттик тайёргарлик кўрдим ва ўз мақсадимга эришдим. Айнан шу ютуғим туфайли халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига мушарраф бўлдим. Энг қувончлишим, шу йилда мамлакатимизнинг «Энг яхши аёл спортчиси» деб топилганим бўлди. Хозирда Хоразмий номидаги Урганч давлат университети жисмоний маданият фа-

культетининг учинчи босқичида тахсил олялман. Албатта, спортчи сифатидаги муваффақиятлари баробарида, онам Ховажон ая уй бекаси бўлишларига қарамай, улар ҳеч қачон кураш билан шуғулланишимга қаршилик қилмаганлар. Шу сабабдан бўлса керак, мен улар билдирган ишончли оқлашга доим ҳаракат қиламан, қизлари билан фaхрланишимни истаб, ўз устимда тинимсиз ишлайман.



Замира АХМЕДОВА, Белбоғли кураш бўйича икки карра Жаҳон чемпиони, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси.

диган, янгидан-янги маррралар сари ундайдиган нарса шуки, мен мустақиллик тенгдошиман. Истиқлол туфайли мамлакатимиз йилдан-йилга обод бўлиб, тараққий топиб бормоқда. Менинг ҳам айнаи дамларда кунга, гайрат ва шижоатга тўлган пайтим. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида устозларим билан бирга шу йилнинг сентябрий ойида Туркманистон давлатида бўлиб ўтадиган белбоғли кураш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида қизгин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Орзуим эса учинчи бор жаҳон чемпиони бўлиш.

Байрам тадбири

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистони!" шиори остида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.

Ягона Ватанда

Ягона оила бўлиб



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида уюштирилган мазкур байрам тадбирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари, республика Байналмилал маданият маркази ходимлари, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари ва ҳамкор ташкилотлар ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси П.Пармонова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида фуқароларнинг дин ва виждон эркинлигига оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжихатлик таъминлашга қатъий амал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда эътиқод ва виждон эркинлигига доир кафолатлар Бош Қомусимиз ва қонунларда қатъий белгилаб қўйилган. Бу юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат, ўн бешдан зиёд диний конфессия вакиллари ўзаро аҳиллик ва тотувликда яшаб, Ватанимиз раванга йўлида самарали меҳнат қилаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, диннинг одамларни эзгулик ва ҳалоллик, покликка ундаш, тинчлик ва осойишталикни сақлашга даъват этишидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бироқ бугунги мураккаб ва таҳликали, тезкор глобаллашув даврида дунёнинг турли мамлакатларида рўй бераётган мижозлараро ва диний ва миллий хусусиятга эга экани ҳеч кимга сир эмас. Бу барчани янада ҳушёрлик ва оғоҳликка, тинчлик ва осойишталикни сақлашга, унинг кадрига етишга, жамиятдаги барқарор муҳитни асраб-авайлашга, ёшлар тарбияси учун масъулиятни ҳис этишга даъват этади. Шу маънода юртимиздаги миллатлараро ва диний конфессиялараро тотувликни, ўзаро ҳамжихатликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсати жаҳон ҳамжамиятига ибрат бўла олиши нуфузли халқоро ташкилотлар, аксарият хорижий олимлар, экспертлар, етук мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

— Шу тупроқ, шу ер меники, киндик қоним шу ерга тўкилган. Маҳаллада ўсганим учун ўзбек тилини она тилимдан яхшироқ билманман, — дейди республика рус миллий маданият маркази раҳбари Александр Аристов. — Ўзбекистонда яшаб истиқомат қилаётган миллат ва элатлар ўзи миллий маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шарт-шaroит яратилган. Кўп сонли миллатларнинг маданият марказлари фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, газета, журналлар нашр этилмоқда, радиозинтириш ва телекўрсатувлар эфирга узатилмоқда.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган бундай муҳит ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Бу Президентимиз раҳнамолигида азалдан халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарвар-

лик фазилатларига таянган миллатлараро муносабатларнинг принципиал жиҳатдан янги концепцияси изчил амалга оширилаётгани натижасидир. Бу борадаги ишлар мамлакатимизнинг барча фуқаролари учун тенг ҳуқуқ ва эркинликни таъминлашга йўналтирилган. Бу муҳим тамойил Ўзбекистон Конституциясида, бошқа миллий қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги катта таърибаси бутун дунёда кенг эътироф этилмоқда.

Бугун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, миллатидан қатъий назар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этаётир. Сенат аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари орасида ҳам, турли миллат вакиллари ни учратиш мумкин.

Миллий маданий марказларнинг эркин ва мустақил фаолият юритиши, ўз урф-одат ва анъаналарини эркин давом эттирган ҳолда миллий байрамларини ўтказиши учун барча шaroитлар яратилган. Улар томонидан турли маданий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, концерт дастурлари, фестивал ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда. "Ўзбекистон — умумий уйимиз", "Қудратимиз — бирлик ва ҳамжихатликда", "Ватан ягона — Ватан биттадир" каби шиорлар остида мамлакатимизнинг барча шаҳарларида кўтаринки кайфиятда ўтказилув даврида фестиваллар, давра суҳбатлари кўп миллатли халқимизнинг қўнмак дўстлик анжуманига айланган десак, муболага бўлмайди.

— Мамлакатимизда юздан ортиқ миллатга мансуб фуқаролар каби озарлар ҳам ахилноқ, тинч-тотув яшаб, меҳнат қилмоқда, — дейди пойтахтимиздаги Озарбайжон миллий маданият маркази ижрочи директори Фирдавс Гусейнов. — Ўзбекистонда кечаётган туб янгиланишлар жараёнига турли миллат вакиллари ўз ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқ. Уларнинг меҳнати эъзоз ва эътибор топиб, давлатимизнинг энг юксак мукофотлари, фахрий унвон ва орден-медалларига сазовор бўлишмоқда.

Эътироф этиш кераки, қайси мамлакатда тинчлик, хотиржамлик ҳукмрон бўлса, ўша ерда фаровонлик, ўша ерда барака ва ривожланиш бўлади. Бунинг мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган изчил ислохотлар, эришилган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Халқимизнинг ниёти эса битта — дунёда тинчлик бўлсин, кексаларимиз айтганидек, жонажон юртимизга кўз тегмасин.

Байрам тадбирида турли миллий маданият марказларининг бадиий куй-қўшиқлари, рақслари, қадрият ва анъаналарини намойиш этиш орқали истиқлолни улуғлаб, тараннум этишди.

Бобур ОТАМУРОВО

Вақт синовидан ўтган дўстлик

Давоми. Боши 1-бетда

Олий даражадаги музокара-лар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларация имзолангани, мамлакатларимиз ўртасида техникавий-иқтисодий, энергетика, юқори технологиялар, банк-молия каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қиймати 6 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ қатор ҳужжатлар имзолангани ташрифнинг энг муҳим натижаларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Бундай келишув ва аҳднолар нимани аниқлатади? Энг аввало, мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга, ялпи ички маҳсулотнинг янада ўсишига, қўшимча иш ўринлари яратилишига, аҳоли ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга ва ниҳоят аҳоли даромадларини изчиллик билан оширишга хизмат қилади.

Албатта, Ўзбекистон "Адолат" СДП миллий манфаатларга асосланган, мамлакатимизнинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган бундай фаол ташқи сиёсий фаолиятни қўллаб-қувватлайди.



Сиань шаҳри

"Жиззах" махсус индустриал зонаси шаклида Ўзбекистон-Хитой юқори технологиялар саноат парки ташкил этилди. Бу ерда мобил телефонлар, курилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йилда "Жиззах" махсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри сармояси иштирокида ўн бешдан ортиқ қўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи "Марказий Осиё — Хитой" газ қувурини куриш ва ишга тушириш борасидаги стратегик муҳим аҳамиятга молик лойиҳа устида иш олиб борилаётгани, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш йўлидаги амалий ҳаракатлар, 124 километрлик электрлаштирилган Ангрэн — Поп темир йўли курилиши лойиҳасининг давом эттирилишини ҳам мамлакатларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Бу эса Хитойнинг Ўзбекистон барқарор тараққиёт суръатларини юксак баҳолаётганини ҳамда юртимизда иқтисодиётнинг янги юқори технологияли тармоқларини яратиш ва ривожлантиришга, саноат корхоналарини модернизациялаш ва технология жихатдан қайта жиҳозлашга қаратилган саноат-иқтисодий амалда қўллаб-қувватлаётганини аниқлатади.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг Хитойга ташрифи ва унинг доирасида эришилган келишувлар Ўзбекистон-Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Абдували САЙБНАЗАРОВ

Тинчлик — мустақил тараққиётимиз пойдевори

Давоми. Боши 1-бетда

Дарҳақиқат, биз тинчлик ва тараққиёт йўлини танлаган халқимиз. Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Истиклол шарофати, мамлакатимизнинг изчил ички ва ташқи сиёсати туфайли саодатли, файзли кунларга мушарраф бўлмоқдамиз. Тинчлик ҳукм суриши туфайли биз ўтган йиллар давомида мунтазам равишда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб, энергетика, дон маҳсулотлари, автомобилсозлик, химия саноати, озик-овқат саноати ва бошқа қатор стратегик соҳаларда тўлиқ мустақилликка эришдик.

Энг катта ютуқларимиздан бири бу барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланганидир. Рақамларга мурожаат қилганимизда, темир йўллар ишга тушмоқда, таълим, тиббиёт, маданият, спорт объеклари барпо этилмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда. Алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик ўз ўзидан таъмин этилаётгани йўқ. Унинг замирида фидойилик ва ташаббускорлик, тинимсиз меҳнат ва қатъиятлик мужассам.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси халқро ҳамжамиятининг ўз сўзи ва ўз қатъий позициясига эга бўлган нуфузли аъзосига айланди. Бугун дунёда беш мингга яқин тил, икки мингдан зиёд миллат, икки юздан ортиқ давлат бўлса-да, улар орасида ўз қиёфаси, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ўрни ва мавқеига эга бўлганлар қатори ҳалигача ўз йўлини, мустақил тараққиёт тамойилларини белгилай олмаётган давлатлар ҳам бор. Ўзбекистон айрим давлатлар сиёсатидан келиб чиқаётгани ёки уларнинг изму ихтиёри билан иш юритаётгани йўқ, балки ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олиб, ана шу йўлда собитқарамлик билан илгарилар бормоқда.

Бир тасаввур қилайлик, тинчлик бўлмаганда ушбу ютуқларга эришган бўлармик?! Йўқ, албатта. Ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ривожланишнинг "ўзбек модели" муваффақиятнинг бош омилли ҳам юртимизда тинч ва осойишта ҳаёт барқарор таъминланаётганидир. Айнан тинчлик ва осойишталик туфайли мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиздаги ободлик, тўкин-сочинлик, ривожланиш, бунёдкорлик — буларнинг бари тинчлик туфайлидир. Тинчлик туфайли юртимизда барқарор тараққиёт ва ижтимоий-иқтисодий юксалиш ҳукмрон. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда, янги-янги саноат корхоналари курилмоқда, темир йўллар ишга тушмоқда, таълим, тиббиёт, маданият, спорт объеклари барпо этилмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик ўз ўзидан таъмин этилаётгани йўқ. Унинг замирида фидойилик ва ташаббускорлик, тинимсиз меҳнат ва қатъиятлик мужассам.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси халқро ҳамжамиятининг ўз сўзи ва ўз қатъий позициясига эга бўлган нуфузли аъзосига айланди. Бугун дунёда беш мингга яқин тил, икки мингдан зиёд миллат, икки юздан ортиқ давлат бўлса-да, улар орасида ўз қиёфаси, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ўрни ва мавқеига эга бўлганлар қатори ҳалигача ўз йўлини, мустақил тараққиёт тамойилларини белгилай олмаётган давлатлар ҳам бор. Ўзбекистон айрим давлатлар сиёсатидан келиб чиқаётгани ёки уларнинг изму ихтиёри билан иш юритаётгани йўқ, балки ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олиб, ана шу йўлда собитқарамлик билан илгарилар бормоқда.



гани йўқ, балки ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олиб, ана шу йўлда собитқарамлик билан илгарилар бормоқда.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, хавфсизликни таъминлаш соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларга дунё жамоатчилиги юксак баҳо бермоқда. Яқинда жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг наватдаги индекс эълон қилинди. "The world justice project" халқро ташкилотининг йиллик маъруласида ҳуқуқ тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон 5 етакчи мамлакат қаторидан ўрин олган. Ҳолбуки, тахлил дунёнинг салкам 100 га яқин мамлакат бўйича олиб борилган. Демак, бугун ўз кадр-қимматини, гурурини англаб яшайдиган, юртини ҳимоялаш қудратига эга давлатни жаҳон ҳам тан олмақда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг 9 май кунини пойтахтимизда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавобларида таъкидлаганларидек, фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат

ҳукм сураётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт кечириш мумкин, орзу-мақсадларга етиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ён-атрофимиздаги ҳозирги мураккаб жараёнлар бизни ҳаммиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишга ундайди. Халқимизда "бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун бирака қочади", деган ҳикматли нақл бор. Бугун дунёнинг турли бурчакларида ўз бераётган можаролар уруш исканжасига тушиб қолган мамлакатлар тараққиётини 40-50 йилга орқага ташлаётгани айни ҳақиқат. Демак, биз ён-атрофда юз бераётган мудҳиш воқеа-ҳодисларга бепарқ бўлмай, ҳар қандай хавф-хатарларга қарши доимо огоҳ бўлишимиз, уларни бартараф қилишга мудом шай туришимиз лозим. Элу юртимизнинг энг буюк бойлиги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, уни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

Қодир ЖҲҲАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофао ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Байрам — эл-юрт фаровонлиги, тинчлик-тотувлик белгиси

Давоми. Боши 1-бетда

Шу туйғу барчамизни янада фаол, масъулиятли ва фидойи бўлишга, элим деб, юртим деб ёниб яшагга ундайди.

Ўтган йиллар давомида дунёқарашимизда юз берган энг муҳим ўзгариш шундан иборатки, эндиликда биз шу азиз, мустақил юрт, шу муқаддас Ватан бизники, ўзимизники, барчамизники, унинг янада фаровонлашуви, гуллаб-яшнаши, дунёнинг ривожланган илгор, иқтисоди бакуват давлатлари сафига қўшилиши Ўзбекистонда яшаб умргузаронлик қилаётган барча-барчага баробар тааллуқли эканини дилдан ҳис этамиз. Мустақиллик деб аталмиш бу илоҳий неъмат халқимизнинг, улғу аждодларимизнинг неча асрлик орзу-умидларини рўёбга чиқарганига, икки ўн йилликда бутун мамлакат, эл-юрт, одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи тамомилан ўзгарганига, жаҳон харитасида янги ёш давлат пайдо бўлганига, унинг дунё эътиборини ўзига қаратган шижоатли қадамларига гувоҳ бўлиб турганимиздан фахрланамиз.

Мустақиллик зулмидан озод бўлиб, ўз эрklarини қўллари билан олган, аммо миллий тараққиёт йўлини белгилай олмай, бу имкониятини қўлдан бой берган давлатлар дунё тарихида оз эмас. Бизнинг энг улғу ютуғимиз — мураккаб иқтисод ва сиёсий таназзул шароитида танлаган йўлимиздан қайтганимиз, турли хурж ва фитналарга муносиб жавоб қайтарганимиз, истиқлолимизни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаб, янги ёш авлод тарбиясига, уларнинг комил инсонлар бўлиб



вояга етишига бирламчи эътибор берганимиз, сабр-қаноат қилганимиз, жамият аъзоларида, айниқса, ёшларда келажакда бутун мамлакат, эл-юрт, одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи тамомилан ўзгарганига, жаҳон харитасида янги ёш давлат пайдо бўлганига, унинг дунё эътиборини ўзига қаратган шижоатли қадамларига гувоҳ бўлиб турганимиздан фахрланамиз.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларини эсласак, ахвол гоёта мураккаблиги ёдимишга тушади. Собиқ тузумдан қолган майиб-мажруҳ иқтисодни тиклаш, бир вақтнинг ўзига ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маданий-маърифий ишлар билан шуғулланишга, энди оёққа тураётган ёш давлатимизга нисбатан қилинаётган тазйиқларни енгишга тўғри келди. Халқимиз манфаатларига мос юритилган ички ва ташқи сиёсати туфайли собиқ тузумнинг таназзули сабаб юзага қалқиб чиққан ўта жиҳдий муаммолар босқичма-босқич ўз ечимини топа бошлади. Қабул қилинган тарихий Фармон ва қарорлар иқтисодий тангликнинг олдини олишга, аҳолининг кам

таъминланган, умр бўйи далада меҳнат қилиб, елкаси офдот кўрмаган табакаларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга замин яратди. Мустақил мамлакатимизда хусусий мулкка нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгариши, қишлоқ меҳнатқашларига томоққа учун ер ажратилиши, тадбиркорлик ва ишбилармонлик йўлига қўйилган сунъий говлар, мафкуравий чекловларнинг олиб ташланиши, бундай ҳаракатларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши элнинг руҳини кўтарди, томирларида азалдан мавжуд бўлган ишбилармонлик, куюнчаклик хислатларини уйғотди. Орадан кўп ўтмай тадбиркорлик ҳаракати бутун мамлакатни қамраб олди.

Истиқлол боис биз учун дунё эшиклар, манфаатли ҳамкорлик йўллари кенг очилди. Миллатнинг шаён-шавакати, гурури тикланди, мустақил Ватанимизнинг номи, ҳавасга

арзигулик амалий ишлари жаҳоний минбарларда эътироф этила бошланди.

Истиқлол йилларида эришилган тарихий ютуқларни бугун ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларида кўриш мумкин. Кўз ўнгимизда мисли кўрилмаган, халқона ибора билан айтганда, етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган, неча асрлардан бери фақат орзу бўлиб қолаётган бунёдкорлик ишлари содир бўлмоқда. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида Европа мамлакатларига сафар қилган ватандошларимиз у ердаги осмонўпар биноларни, маҳсулот билан тўлиб-тошган "Супермаркет"ларни, харид учун тўловни пластик картонка ёрдамида амалга оширишни кўриб ҳайратга тушишган бугун таажжубга сабаб бўлади. Чунки булар эндиликда ҳаётимиздаги, турмуш таризимиздаги оддий, кундалик воқеалар бўлиб қолди. Бутун мамлакат улкан курилиш майдонига айлангани, шаҳар ва қишлоқларимиз кўрки-жамоли хорижлик меҳмонларнинг ҳам ҳавасини келтираётгани, дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисоди молиявий тангликдан зарар кўраётган бир пайтда Ўзбекистонда замонавий турар-жой бинолари, муҳлатдан маданият ва санъат саройлари, спорт мажмуалари қад ростлаётгани чиндан ҳам ҳайратланарлидир. Бундан атиги бир hafta олдин Навоий шаҳрида фойдаланишга топширилган маҳабатли Санъат галереяси, ёш ижодкорларнинг у ерда намойиш этилаётган асарлари чиндан ҳам кишини ҳайратга солади. Бугун юртимизга келаётган хорижлик сийёҳлар Самарқанд ва Бухорода, Қарши ва Урганчда, Хива

ва Нукусда, Андижон, Намангон, Фарғона, Қўқон ва Марғилонда бўлар эканлар, истиқлол бизга, халқимизга, айниқса, ёшларимизга қандай улғу инъомлар ҳада этганини, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлиги аҳил-иноқликни ўз кўзлари билан кўришди. Бозорларимизда бўлиб, юрт дастурхонига барада кираётганини ҳис этишди. Тўй-томшаларимизда меҳмон бўлиб, қўли ва дили очик, савол-савол, меҳр-муруватли халқимизга ҳавас қилишди.

Жаҳоннинг қўллаб сиёсатдонлари, таниқли давлат ва жамоат арбоблари мамлакатимизда инсон манфаатлари, миллий тараққиёт, халқимизнинг янада фаровон ҳаётини қўллаб ўтказиётган кенг қамровли ислохотларни ижобий баҳолаш билан бирга, Ўзбекистон тахрибасини ҳар жиҳатдан ўрганиш зарурлигини ҳам расман эътироф этмоқдалар.

Ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, бир туп ниҳолни кўқартириш, битта бино деворини тиклаш учун ойлаб меҳнат қилиш, изланиш талаб этилади. Бинобарин, халқ ҳам бир кунда истеъдодли бўлиб қолмайди, ёшлар бир кунда дунё мамлакатларидаги истеъдодли тенгдошлари билан беллаша оладиган даражага кўтарила олмайдилар. Шўролар замонида ўзликни намоеън этишга мутлақо имкон берилмади. Бизга иккинчи даражали халқ сифатида қарашди. Бугун илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида мамлакатимиз ёшлари орасидан неча юзлаб жаҳон чемпиони, олимпиада, нуфузли халқаро танловларнинг голиблари этишиб чиқаётганлигининг ўзи истиқлол биз учун нақадар

азиз ва қадрли эканини кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори шу маънода халқимизни янада руҳлантириб юборди. Ўтган шанба-яшанба кунлари ўтказилган умумхалқ ҳашари буни яққол исбот этди. Турли касб эгалари, ёшу қари ушбу тадбирда уюшқоқлик билан иштирок этдилар, катта тўй арафасида турган мамлакатимиз жамолига янгича ҳусн-тароват қўшидилар. Айни кунларда олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилар, таниқли маданият ва санъат намояндalари иштирокида мамлакатимиз вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида байрамолди учрашувлари "Ким эдигу ким бўлди?" деган ҳаётий савол атрофида чуқур мулоҳаза юритиш асносида ўтказилмоқда. Бу саволни ҳар бир киши, энг аввало, ўзига бериши, ҳаётида, турмуш тарзида, оиласи, маҳалласи, меҳнат жамоасида юз берган ўзгаришлардан келиб чиқиб, мулоҳаза юртимого даркор.

Тўй-тантана, байрам шодийналарини ўтказиш — эл-юрт фаровонлиги, тинчлик-тотувлик белгиси. Шундай экан, истиқлолимизни, озод ва обод юртимизни шарафлаш, миллат эртасига дахлдорлик туйғуси билан яшаш ва ижод қилиш, келажакга буюк давлат салоҳиятини ошириш — ҳар биримизнинг юксак маънавий бурчимиздир.

Умид ЖУМАНИЕВ
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Спортчимиз — олимпиада чемпиони

Давоми. Боши 1-бетда

Нуфузли спорт анжуманининг 10 метр масофадан тўппочадан ўқ отиш бўйича микст баҳсларида ҳамюртимиз Владимир Свечников болгариялик Лидия Ненчева билан ҳамкорликда Франциялик Эдуард Дортомб ва норвегиялик Сара Элин Страмнестро, словениялик Хосе Цепер ва хиндистонлик Яшасвини Сингх Десвал, арманистонлик Завен Игитян ва Хитой Тайпейидан Тин Ю Чунг, ҳал қилувчи мусобақада мисрлик Аҳмад Муҳаммад ва сингапурилик Хию И Тех жуфтликларидан устун келди ва шохсуланинг энг юқори погонасига қўтарилди.

Эслатиб ўтамиз, ўсмирлар Олимпиадасининг дзюдо бўйича вазни 66 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида қатнашган юртдошимиз Сўҳроб Турсунов ва оғир атлетика бўйича вазни 56 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида Аҳмад Эргашев учинчи ўринни эгаллаган эди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, мамлакатимиз спорт делегациясини айни пайтда ўзбекистонлик спортчилар ҳисобига II ўсмирлар Олимпиадасининг 2 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медали бор.

Б. АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири

Ҳудудий партия ташкилотларида

Бунёдкорликка

➤ БПТ — партия таянчи

— Биз эндиликда ижтимоий муаммолар қаршида қўл қовуштириб ўтиришдан кўра маҳаллий ижро ҳокимияти ва бошқарув идоралари доирасида фаол муносабат юритишни, депутатлик ваколатини, жамоатчилик назоратини ишга солиш зарурлигини тушуниб етдик, — дейди Иштихон тумани Работ маҳалласи қошидаги Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бошланғич ташкилоти раиси Мухайё Шукурова. — Работдаги муаммолар эса бошқарув идоралари, партия ва нодавлат ташкилотлари биргаликда ҳал этишлари учун етарли.

Дароқе туманининг чекка ҳудуди ҳисобланган, ижтимоий инфратузилмас сустривожланган, иқтисодий имкониятлар тўлиқ ишга солилмаган мазкур қишлоқда янги шундай сиёсий ташаббускорлик, маҳалладошлар турмушига, эртанги кунига нисбатан чуқур дахлдорлик бошланғич партия ташкилотини элга танитди. Аҳолининг БПТ жамоатчилиги қабулхонасига турли тақлиф, мурожаатлар билан тез-тез қадам қўйишига, ўз фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланишларини ўзлари назорат қилишига туртки бера бошлади.

Работда 500 хонадон истиқомат қилади. Бу оилаларнинг аксарияти қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланади. Пахта, галла, озроқ сабзавот етиштириш билан тирикчилик қилишади. Саноат, тадбиркорлик ёки сервис хизмати аста-секин оёққа турмоқда. Яқин пайтгача тумандаги касб-хўнара коллежларини тамомлаб мутахассис дипломини олган ёшлар ўз қишлоқларида иш топиши қийин бўлиб қолаётгани.

Шундай шароитда Мухайё Шукурова етакчилиги қилаётган бошланғич партия ташкилоти маҳалладошлар турмушини, тадбиркорлик имкониятла-

рини обдон ўрганиб, маҳалла-ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тузиб олгани ва уни босқичма-босқич амалга оширишга киришгани эътиборга лойиқдир.

— Партия дастуридан келиб чиққан ҳолда биз биринчи навбатда оилавий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш, аҳолининг томорқа ҳўжалигини мустаҳкамлаш тақлифини илгари сураёلمиз, —

— Жамоат транспорти қатнови қишлоқда мунтазамлик касб этмай қўйгани ва уни тартибга солиш хусусида туман партия кенгашига ҳамда партиянинг вилоят кенгашидаги депутати Нажмиддин Ўсаровга тақлиф билан чиқдик. Шу асосда тегишли ташкилотларга мурожаатномамиз киритилди. Энди эса ижрони биргаликда назорат қилаёلمиз. Шу йўл билан ижтимоий соҳага жавобгар раҳбарнинг партия кенгаши ёхуд депутат олдида ҳисобдорлигини таъминласак, жамоатчилик таъсирини кўрсата олсак хизматдаги камчиликларни тезроқ бартараф этамиз.

дахлдор куч

дейди БПТ аъзоси Санам Ҳасанова. — Бунинг учун эса тижорат банкларида молиявий кўмак олишни режалаштирганмиз. Депутатлик ваколати эса бизга янги шу масалаларда ўз дастурида амалга оширишимиз, қонунда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини назорат қилишимиз учун зарур.

Таъкидлаш лозимки, илгари партиянинг халқ депутатлари электорат ишончини оқлашга, амалий ишлар билан партия кенгаши олдида ҳисоб беришга ҳафсала қилмай қўйишганиди. Шу боис бу гал бошланғич ташкилот депутатликка номзодни ўзи танлашга ва сайловлар жараёнида бутун чоралар билан уни қўллаб-қувватлашга қарор қилди. Ҳокимиятга эгалик қилиш борасидаги сиёсий истак, эҳтиёж кўйида — бошланғич ташкилот доирасида пайдо бўлганининг ўзи катта ижобий ўзгаришдан далolat бермоқда.

— Депутат биз билан ҳамфикр бўлса, ижтимоий муаммоларни қайси доирада, қандай йўллар билан ҳал этиш мумкинлигини биргаликда маслаҳатлашсак, ҳаракат қилсак, жамоатчилик назоратини ишга солсак кўпроқ натижага эришамиз, — дейди Работдаги БПТнинг яна бир аъзоси Зулфия Исмоилова. — Жамоат транспорти қатнови қишлоқда мунтазамлик касб этмай қўйгани ва уни тартибга солиш хусусида туман партия кенгашига ҳамда партиянинг вилоят кенгашидаги депутати Нажмиддин Ўсаровга тақлиф билан чиқдик. Шу асосда тегишли ташкилотларга мурожаатномамиз киритилди. Энди эса ижрони биргаликда назорат қилаёلمиз. Шу йўл билан ижтимоий соҳага жавобгар раҳбарнинг партия кенгаши ёхуд депутат олдида ҳисобдорлигини таъминласак, жамоатчилик таъсирини кўрсата олсак хизматдаги камчиликларни тезроқ бартараф этамиз.

Бу — бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг фикри ва ҳаракати. Шундай ёндашув ва муносабатлар бошқарувда очикликни таъминлаб ижро масъулиятини кучайтирмайди, деб ким айта олади? Демак, БПТ фаолиятидаги энг зарур фазилат — талабчанлик, қурашчанлик ва муаммони ҳал этишда ташаббусни ўз қўлига ола билиш. Работ маҳалласида шундай ҳислатларга эга бўлган партиядошларимиз электорат манфаатларига мос йўл таъинлашни ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқдир. Уларнинг сони 30 нафар, лекин ҳар бирлари ўнлаб маҳалладошларни ўз ортларидан эргаштиришга, ягона сиёсий мақсад йўлида бирлаштиришга қодир.

БПТ аъзолари — Қундуз Эшмамова ва Зухра Болтаева фарзанд тарбияси билан машғул уй бекалари. Шу боис

партия дастуридан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни ўзларининг асосий мақсадлари, деб билишмоқда. Аёлларнинг ўз уйларида тикувчилик билан шуғулланишлари, иссиқхонада сабзавот етиштиришлари ёхуд пазандалик қилишлари учун қўлдан келган ёрдамларини аяшмаяпти. Уларга кредит ундириш учун банкка мурожаат қилишяпти. Расмий фаолият юритишларига кўмаклашиш мақсадида улар номига меҳнат дафтarchаси очиришяпти. Малака оширишлари ҳақида зарур йўл-йўриқ беришяпти. Шундай қуюнчақликни, шахсий ибрат ва интилишлари маҳалладошлар, электорат кун сайин чуқурроқ сезиб, ҳис этиб турибди. Демак, бўлажак сайловларда БПТнинг танлаган номзод кўпроқ овоз олишига бемалол ишонса бўлади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП туман кенгаши раиси Дилдора Махаматованинг таъкидлашича, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига нисбатан янги шундай талабчанликнинг қўйилиши уларни ҳамирша ижтимоий сезгирликка, ҳозиржавобликка ундаб турибди. БПТ аъзолари билан ўтказилаётган сиёсий таълим машғулоти эса уларнинг саводхонлигини оширишга, ижтимоий вазиятларга мос ечимлар топа олишларига кўмаклашяпти. Демак, Иштихонда соғлом сиёсий куч БПТ аъзолари сараланапти. Партия дастуридаги салмоқли вазифаларни бажаришга сафарбар этиляпти ва албатта, ислохотлар жараёнидаги ташаббусларнинг қуйида шаклланишига, мустаҳкамланишига хизмат қилаяпти. Бу эса сиёсий фаолиятнинг муҳим ютуғи.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференцияси қизгин давом этмоқда. Олдиндан ишлаб чиқилган жадвалга мувофиқ бу тадбирга Наманган шаҳридаги БПТларда киришилди.

— Ҳисобот ва сайловлар партиянинг қуйи бўғини учун ўзига хос кўрик ҳисобланади, — дейди вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Исроил Жўраев. — Айниқса, яқинда бўлиб ўтадиган сайловлар олдиндан уларнинг аҳамияти бекиёс. Шу муносабат билан кенгашида барча шаҳар ва туманлар партия ташкилотлари етакчилари иштирокчида йиғилиш ўтказилди. Уларга тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди. Тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳам тақдим этилди. Туман партия кенгаши буйича мазкур кампаниянинг боришини назорат қиладиган, зарур ҳолларда услубий ёрдам кўрсатадиган фуқаролар бириктирилди.

Ана шундай ҳисобот-сайлов йиғилишларининг дастлабкиларидан бири Наманган шаҳридаги "Гулбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатадиган бошланғич партия ташкилотиде бўлиб ўтди. Унда мазкур билан чиққан БПТ раиси Исроил Нажмиддин ва музокараларда қатнашган партиядошларимиз бу ерда қисқа муддат ичида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилганлигини қайд этдилар. Партиянинг бу ердаги бирламчи бўғини тузилганига ҳали икки йил тўлмаган бўлса-да, қатор ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Энг муҳими, маҳаллада "Адолат" СДП аъзолари сафи кенгайиб бормоқда. Улар БПТ ўтказиётган тадбирларда фаол иштирок этиб, партия гоя ва дастуридаги тарғиб қилишда бажониқил қатнашмоқдалар. Натижада хайрихоҳлар сони кўпаймоқда. Бу эса ҳеч шубҳасиз, бўлғуси сайловларда номзодларимизга сайловчиларнинг эътиборини қозонишда кўмаклашади.

Шу билан бирга, ҳали фаолиятини янада кучайтириши

мумкин бўлган ва ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Энг аввало, электорат билан яқиндан иш олиб бориш зарур. Фуқароларнинг талаб-эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганиш керак. Ўз ўрнида маҳаллий партия тузилмалари ва депутатлар ёрдамида муаммоларнинг ечимини излаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Агар бу борада ижобий натижаларга эришилса, электорат "Адолат" СДП фаолиятини ва депутатликка номзодларини қўллашига ишонса бўлади.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қатнашчилари партиянинг янги Устав ва Дастур лойиҳаси юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, уставнинг 2.4 бандига "Шаҳар, туман кенгашиларнинг ҳаракат дастурлари ва иш режалари вилоят кенгаши томонидан тасдиқланади", деган жумла киритилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. Наманган шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Сирожиддин Жамоловнинг фикрига кўра, бу биринчидан, маҳаллий партия кенгашиларнинг масъулиятини оширади. Иккинчидан, вилоят кенгаши куйи тизим фаолиятини мунтазам ва самаралироқ мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш имконига эга бўлади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шаҳар партия конференциясига делегат ҳам сайланди.

Шунингдек, "Якка сада", "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий ҳўйма марказидаги партиянинг бошланғич ташкилотларида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ

Саводхон аёллар

партияни янги ютуқлар сари бошлайди

➤ Сиёсий ўқув

Ўзбекистон "Адолат" СДП Навбахор туман кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги мажлислар залида "Сайловлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини янада кучайтириш масалалари" мавзусида сиёсий ўқув бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партия фаол аёлларнинг мамлакатимиз сайлов тизими ва қўнчилиги борасидаги билимларини, сиёсий онги ва маданиятини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мақсадида ташкил этилди.

Ўқувда партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини янада ошириш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, айниқса, қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни оилавий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга кўмаклашиш ҳамда фаол, ташаббускор ва сиёсий етук аёллар билан партия сафини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, мамлакатимизда сайлов қўнчилигига киритилган ўзгаришлар ва уларнинг хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириши

даги ўрни, жамиятда хотиннинг қўнчилиги сиёсий фаоллигини оширишда имиж масаласи, аёлларнинг лидерлик ва етакчилик фазилатлари каби масалалар атрофида муҳокама этилди.

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди Навоий вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Сурайё Мансурова. — Бу жараёнда партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини юксалтириш, уларнинг қўнчилиги ва манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат хоки-



мияти органлари фаолиятини барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш борасида изчил фаолият олиб боришмоқда. Ҳозирда партиянинг аъзоларининг 51 минг нафардан зиёдини ёки 50,1 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Олий Мажлис Қўнчилиги палатасида 6 нафар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларида 156 нафар партия аъзолари бўлган депутат аёллар фаолият олиб бормоқдалар.

Ҳар бир кун бизни тобора парламент ҳамда давлат хокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловга яқинлаштирмоқда. Мазкур жараёнда хотин-қизларни сиёсий жараёнларга кенгроқ жалб қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш борасидаги ишлар-

ни янада кучайтириш бугун олдинда турган энг муҳим масалалардандир.

Сўнгги сайлов таҳлилари шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан квоталар бажарилган бўлса-да, маҳаллий Кенгашларга аёлларнинг сайланишида нисбатан паст кўрсаткич қайд этилган. Бу эса биздан сайловга қадар аёлларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари сони ва сифатини янада оширишни, ҳар томонлама етакчи ва ташаббускор хотин-қизларни партия сафига кенгроқ жалб қилишни талаб этади.

Партия томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, раҳбар ва етакчи хотин-қизларни шакллантириш, аёл-

ларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган туркум семинарларимизнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, айниқса, қишлоқларда яшовчи хотин-қизларни Конституциямиз ва сайлов қўнчилигига киритилган сўнгги янгиликлардан хабардор қилишимиз зарур.

Шу билан бирга, ўқувда асосий эътибор бўлғуси сайловлар олдиндан сиёсий тайёргарликни ошириш, сайловолди жараёнида қўйилаётган вазифаларни ҳис этишдаги бирламчи масалалар нималардан иборат эканлиги, ҳудудий партия ташкилотлари ишини кучайтиришда фойдаланилмаётган қандай омиллар мавжудлиги, қучли ва айни пайтда заиф нуқталарни аниқлаш учун нималарга эътибор қаратиш мумкинлигини аниқлаб олиш

Партия хотин-қизларга тааллуқли қўнчилигини янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳўйма қилишини кучайтиришга доир кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш тарафдори. Биз учун хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳимдир. Бу, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан.

зарурлиги юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

— Миллий қўнчилигимизда мувофиқ сайлов тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишга қаратилган ҳуқуқий нормаларнинг белгиланганлиги эътиборга молиқдир, — дейди туман партия кенгаши раиси Солиҳа Турдубоева. — Сайлов тўғрисидаги қўн ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатилмайдиган депутатликка 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг яққол тасдиғидир. Мазкур норма орқали аёлларнинг сайловларда ўз номзодларини қўя олиш имконияти янада кенгай-

ди. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, давлат ва жамият қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, тадбирда сиёсий партияларнинг сайловларда иштироки, хотин-қизлар билан ишлашнинг замонавий усуллари, аёлларнинг лидерлик ва етакчилик фазилатлари ҳамда партия аёллари билан ишлаш, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишдаги фаолиятини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Садоқат ШАМСИЕВА

Томчилатиб суфориш: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК САМАРА

➤ Инновацион технология

Замонавий дунё тараққиёти ва иқтисодий ўсиш суръатлари илмий-техника ютуқлари ва ишлаб чиқаришнинг интеллектуал тус олиб боришига бевосита боғлиқ бўлиб, бу жараён миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини белгилайди. Ривожланган мамлакатларда янги технологиялар орқали ишлаб чиқаришни ташкил этишда намоён бўладиган янги билимлар ҳиссасига ЯИМ ўсишининг 70-85 фоизи тўғри келади.

Инновациялар Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти эътиборини бош шартдир. Шу сабабли инновацион ривожланиш стратегияси нафақат иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига чиқиш, балки аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омил ҳисобланади.

Маълумки, ҳукуматимиз 2007 йили аҳоли фаровонлигини ошириш Стратегиясини қабул қилган бўлиб, унга кўра қишлоқ хўжалиги 2015 йилга қадар йилга 4,5-5,0 фоизлик барқарор ўсиш боришга эришиши лозим.

Сувни тежаб-тергаб эса мазкур стратегиянинг уч асосий йўналишига мос келади: иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлайдиган макроиқтисодий сиёсат; саноат сиёсати — саноат ўсишининг юксак суръатларини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ривожланиши — фермерликка ўтишни яқунланиши ҳамда ирригация ва дренажлар тармоғига маблағлар киритиши икки баробар ошириш.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқ.

Сувни иқтисод қилиш — мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг энг муҳим ва долзарб

муаммоларидан бири. Айни пайтда тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига қишлоқ хўжалигини самарасиз юришти, жумладан, сувни меъёрдан ортқ ишлайтиш, ернинг шўрланиши ва ифлосланиши ҳам қиради. Суғориладиган ер шамол ва сув эрозиясига кўпроқ учрайди, бу эса унинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Сизот сувлари сатҳи кўтарилиши, мелиорация тизими эскириши туфайли ҳам ер шўрланиши ва ботқоқлашиши даражаси ортади, бу эса шўрланган ерларнинг ҳосилдорлигини пасайтиради.

Тахлилларга кўра, сувни иқтисод қилиш технологиясини амалиётга жорий этиш қimmat ирригация ва дренаж тизимини қайта тиклашга нисбатан анча арзонга тушади.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастури доирасида 2008-2012 йилларда 748,7 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди, бу ҳар гектар ердан ҳосилдорлики 2,4 центнерга ошириш имконини берди.

Мелиорация бўйича чоратадбирлар мамлакат аграр соҳасини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ҳар йили суғориладиган ерларнинг ме-



лиоратив ҳолатини яхшилаш учун 200 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. Томчилатиб суғориш технологиясининг жорий этилиши ҳосилдорлик ўсиши ҳамда тупроқ унумдорлиги ошишига самарали таъсир этади.

Дунё томпчилиб суғориш тизими тажрибаси (АҚШ, Хитой, Хиндистон) ва Ўзбекистонда бу борада ўтказилган тажрибалар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Жумладан, томпчилиб суғориш тизимида сув сарфи 40 фоиздан 80 фоизга қадар камайд. Бу тизим стационар бўлиб, ўсимликларни суғоришни автоматик жараёнга солиш имкониятини яратади, натижада меҳнат сарфи кескин камайд.

Хитойда 1,2 миллион гектар ер плёнка остида томпчилиб суғориш тизимига ўтказилган. Бу тажриба дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Қашқадарё вилояти хўжаликларига ўтказилган тажрибалар шунини кўрсатдики, том-

чилатиб суғориш технологияси ишга туширилганидан сўнг 1 гектар ерга сув сарфи 3650 м³ ни ташкил этди, ҳоло! Ёқилғимойлаш материаллари иқтисоди 72,7 фоизга, минерал ўғитлар иқтисоди 45 фоизга етди. Ҳосилдорлик 66,7 фоизга ошди. Пахта ҳосили етиштиши мuddатлари 22 кунга камайд. Пахта ишлаб чиқариш рентабеллиги 41,6 фоизни ташкил этди. 1 центнер пахта таннарихи эса аввалги йилга нисбатан 33,5 фоизга пасаиди.

Томчилатиб суғориш тизими шўрланмаган ерларда (2,1 млн.га) жорий этилган тақдирда суғориш учун ишлатиладиган сув сарфи йилига 21,8 км³ ёки 37 фоизга камайд. Бундан ташқари, сизот сувлари сатҳи пасаяди, тупроқ шўрланиши камайд, коллектор-дренаж тизимига эҳтиёж қолмаслиги сабабли 200 минг гектар суғориладиган ерда деҳқончилик қилиш имконияти пайдо бўлади. Айни пайтда уруғ, ёқилғи-мойлаш материалларига, минерал ўғитларга бўлган талаб кескин камайд.

Бундан ташқари, мазкур лойиҳа доирасида маҳаллий хомаш ёқилғи-мойлаш, иқтисодиётимизнинг муҳим таянчига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенг қулоч ёзишида банклар энг яқин ҳамкор бўлиб қолаверади.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинган биз каби тадбиркорлар кучига-куч қўшгани табиий. Чунки, тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади даромад олиш ҳисобланади, олинган даромад аввало оиламиз фаровонлиги янада мустаҳкамланишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Ўз навбатида, 2014 йил давомида янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда юртимиз фаровонлигига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишни изчил давом эттиришни мақсад қилганмиз.

Ботир Усмонов, Бухоро вилояти, Жондор туманидаги "Яккотут" МЧЖ раҳбари

ҳосилдорлик ошади. Мазкур тизимнинг амалиётга жорий этилиши шубҳасиз, иқтисодий самара кўриш имконини яратади.

Томчилатиб суғориш технологияси 21,8 км³ сувни тежаш имкониятини ҳам бериши баробарида, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратилишига олиб келади. Тизим ишини таъминлаб туриш учун агроном, ирригатор, инженер (фермер хўжалигига уч киши) ва тизим операторлари (ҳар тизимга 9 киши) талаб этилади. Бу эса қўшимча ўн минглаб малакали иш ўрни дегад.

Қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш омил — томпчилиб суғориш технологиясини жорий этиш жараёнини тезлаштириш учун, назаримизда, куйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

— қишлоқ хўжалигига томпчилиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича асосий вазифаларни ва илгор хорижий тажрибани қамраб олган Концепцияни ишлаб чиқиш;

— фермер хўжаликларига томпчилиб суғориш тизимини харид қилиш учун узоқ мuddатли лизинг асосида қайтариладиган маблағлар ажратиш.

Умуман олганда, томпчилиб суғориш технологиясини жорий этиш яқин келажакда қишлоқ хўжалигига ҳосилдорликнинг кескин ошишига олиб келади, бу эса қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли фаровонлигининг янада ошиши ҳамда мавжуд экологик вазиятни юмшатишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Турсунали ҲУСАНОВ, Иқтисод фанлари номзоди

Qishloq Qurilish Bank

МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИМИЗ

➤ Молия муассасаларида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилётган имкониятлар ички истеъмол бозорини янада ривожлантириш, рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, энг муҳими, янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Яккотут" масъулияти чекланган жамияти 1995 йилда ташкил қилинган бўлиб, донни қайта ишлаш, ун, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонамиз фаолият бошлагандан буён ўз ҳисоб рақамини «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Бухоро минтақавий филиалида юритиб келмоқда. 19 йиллик ҳамкорлик давомида жамиятнинг молиявий аҳволи яхшиланди ҳамда туманимиз учун самарали бўлган лойиҳа-

лар амалга татбиқ этиб, янги иш ўринлари яратишга эришдик. Ўтган давр мобайнида бир неча маротаба банкнинг кредитидан унумли фойдаландик ҳамда банкнинг ишончини оқлаб, уларни ўз вақтида қайтардик.

Биз «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг фаолиятимиз ривожига ҳиссасини доимо сезиб тураемиз. Банк ходимларининг биз каби мижозларга кўрсатаётган беҳишат хизматлари ҳамда бераётган

маслаҳатлари фаолиятимизнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, 2013 йилда фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш ҳамда моддий-техник базамизни яхшилаш мақсадида кредит олишга қарор қилдик.

Бизне-режа ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни банкнинг Бухоро минтақавий филиалига тақдим этдик. Банк томонидан қисқа мuddатда 1 100,0 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига хорижда ишлаб чиқарилган донни қайта ишловчи, ун маҳсулотларига мўлжалланган замонавий ускуналар ҳамда 3 та MAN русумли юк автомобиласини ярим тиркамаси билан харид қилинди. Ўтган йилнинг июль ойидан бошлаб барча ускуналар босқичма-босқич ишга туширилди.

Мазкур лойиҳа ишга туширилгандан кейин туманимиз фермерлари томонидан етиштирилаётган дон маҳсулотларини қайта ишлаш, сифатли ва нисбатан арзон ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортди, эндиликда туман аҳолисининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талаби қорхонамиз ҳисобига қондирилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, 11 та янги иш ўрни яратилди. Бу иш ўринларига асосан қишлоқ жойлардаги ёш кадрлар жалб қилиниб, 2 нафар коллеж битирувчиси доимий иш жойига эга бўлди.

Бундан ташқари, мазкур лойиҳа доирасида маҳаллий хомаш ёқилғи-мойлаш, иқтисодиётимизнинг муҳим таянчига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенг қулоч ёзишида банклар энг яқин ҳамкор бўлиб қолаверади.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинган биз каби тадбиркорлар кучига-куч қўшгани табиий. Чунки, тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади даромад олиш ҳисобланади, олинган даромад аввало оиламиз фаровонлиги янада мустаҳкамланишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Ўз навбатида, 2014 йил давомида янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда юртимиз фаровонлигига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишни изчил давом эттиришни мақсад қилганмиз.

Ботир Усмонов, Бухоро вилояти, Жондор туманидаги "Яккотут" МЧЖ раҳбари



Хар бир касбнинг ўзига яраша машаққати ва масъулияти бор. Хайдовчилик касби улар орасида энг масъулиятли ва шарафлиси десак, муболага бўлмайди.

Хар кунни шаҳар ва қишлоқ кўчаларига, мамлакатларни мамлакатларга, қишлоқларни қишлоқларга боғловчи олис йўлларга, дунё андозаларига мос автотрассаларга неча миллион-миллион транспорт воситалари чиқади. Неча юз минг юк машиналари хайдовчилари инсон ҳаёти учун зарур озиқ-овқат, кийим-кечак, саноат ва қурилиш товарлари, дори-дармон ва бошқа нарсаларни белгиланган манзилга кечикмай етказиш учун ҳаракат қилишади. Хизмат сафарига, соғхатга, ишга, оиласи бағрига, тўй-ҳашамга, дўстлар даврасига ошқабатган йўловчиларнинг тақдир турли русумдаги машиналарни бошқариб бораётган хайдовчининг касб маҳорати, тажрибаси ва масъулиятига, айни чоғда хайдовчилик одобига бевосита боғлиқ.

Сир эмас, бирор-бир даврада кўча ҳаракати тўғрисида гап бошланиб қолса, пивдалор қоидага риоя қилмайди шўқалоқ хайдовчилардан, хайдовчилар эса ўнгу сўлига қарамай кўчани бемалол кесиб ўтаётган йўловчилардан нолишади. Ҳеч бир томон ўз айбини эътироф этмайди. Аслида эса, хайдовчи учун ҳам, пивда учун ҳам йўл ҳаракати билан боғлиқ ўзига яраша одоб қоидалари мавжуд ва уларга риоя қилиш ҳар икки томоннинг ҳам бурчи ҳисобланади. Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарадиган дунё давлатлари қаторидан жой олиб, кўчаларимизда энг сўнгги русумдаги замонавий машиналар ҳаракатланаётган экан, бу қоидаларнинг моҳияти янада ошад.

Хайдовчилик касбининг одоби, масъулияти, ёзилмаган қонун-қоидаларни ёш хайдовчилар диққат билан ўрганишлари, қўзлари учун гоат муҳим бўлган қўллаб-қўлланари билан оладлари ва бу уларга иш фоолиятида қўл келади, деб ўйлаймиз.

1. Хайдовчи бўлиш осон эмас

Ҳа, шундай. Бунинг учун махсус ўқув курсини тугатиш, тажриба орттириш, йўл қоидаларини синчиклаб ўрганишнинг ўзи кифоя қилмайди. Иқтисодиётимиз юксалаётгани сари одамларнинг харид қуввати ўсиб бормоқда. Буни кўчалар, йўлларда транспорт қатнови тобора кўпайиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Ҳамма маълум мақсад билан йўлга чиқади, вақт эса тизил. Йўловчи хамиша шошади, пивда хамиша ҳам йўл қоидаларига риоя қилмайди. Бундай шaroитда хайдовчи йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги маълум маънода ўзига боғлиқ эканини англаши даркор. Шу боисдан ҳам, хайдовчилик касбини ихтиёр қилганлар, энг аввало, тиббий қўриқдан ўттириб керак. Машина рулига ўтирган хайдовчининг 'нигоҳи ўткир, эшитиш қобилияти кучли, қўтилмаган ёки фавқуллода вазият юзага келганда шошиб қолмайдиган, тез ва тўғри қарор қабул қилишга қодир бўлиши керак.

Бу хусусиятларнинг кўпи амалий иш давомида шаклланади. Ёш хайдовчи дастлабки кунларда қўлида уларни тарбиялаб, ривожлантириб бориши зарур.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида жамоат транспорти хайдовчиларига жуда катта талаб қўйилади. Улар характер жиҳатидан босиқ, мулоҳазали, айни чоғда, тез фикрлайдиган, муомала маданиятини яхши эгаллаган бўлишлари, тоби қочиб қолган йўловчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши, зарур ҳолларда жароҳат жойини боғлаши, қонни тўхтатиши билишлари талаб этилади.

2. Одамлар ҳаёти билан боғлиқ масъулият

Спортда ҳаваскор ва профессионал деган тушунча бор. Мазкур боксда шундай йўналишлар мавжуд. Хайдовчиликда эса бундай эмас. Автомашинани ўт олдириб, ҳаракатни бошлаган киши, у оддий ҳаваскорми ёки анча йиллардан бери хайдовчилик қилади, бундан қатъи назар, одамлар, айниқса, кекса ёшдагилар ва болалар тақдирини билан боғлиқ жуда катта масъулиятни зиммасига олади. Чунки у йўлга чиқадиган, чорраҳалардан, одам гавжум жойлардан, мактаб, лицей, коллеж ёки болалар боғчаси олдида, кўзи оғирлар қорхонаси ёнидан ўтади. Ҳаракатланиш икки-уч қаторда амалга оширилаётган катта трассаларни, поезд йўлини кесиб ўтиши мумкин.

Шундай экан, машина рулини мустақил равишда бошқаришга шошилмаслик керак. Ёш хайдовчи, аввало, ўқитувчи-инструктор ёрдамида касбига доир етарли даражада тажриба орттириши, хайдовчи сифатида ўзига ишончини мустаҳкамлаши зарур. Ишончи мустаҳкам хайдовчи йўлда содир бўлиши мумкин бўлган турли қўтилмаган ҳолатларда ўзини йўқотиб қўймайди.

Баъзи ёшлар ота-оналари ёки ака-опаларига тегишли машиналарда озроқ машқ қилиб, уни шунчаки бошқаришни ўрганиб оладилар-да, "Мана энди мен ҳам хайдовчилик қилсам бўлади", деган хулосага келишади. Бу — ўта нотўғри фикр. Хайдовчилик касбига қизиққан ёш йигит ёки қиз, биринчи навбатда, махсус курсда ўқиб, гувоҳнома олиши, йўл қоидаларини мукамал равишда ўрганиши зарур.

3. Йўл қоидаси — УМР Фойдаси

Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти хайдовчиларнинг йўл қоидасига амал қилмаслиги оқибатида содир бўлади. Бу қоидалар шундайки, уларга ҳамиша, ҳар доим ва ҳар ҳолатда ҳам тўла амал қилиш зарур. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Шахмат ўйинида машҳур гроссмейстер ёки жаҳон чемпиони пухта ўйланмаган бир юриш билан бутун бошли партияни бой бериши мумкин. Бундай воқеалар жуда кўп бўлган. Хайдовчиликда ҳам шундай. Қирқ йил хайдовчилик қилиб, бирор муомлага дуч келмаган тажрибали шофёр ҳушёрликини бир зум йўқотса ёки йўл қоидасига бир марта бўлсин амал қилмаса, жиддий ҳодиса юз бериши аниқ.

Баъзи хайдовчилар йўлда давлат автомобиль назорати ходими турганини сезиб, дарҳол тезликни камайтирадilar. Назорат постидан ўтгач, яна газ педалини босишади. Аҳоли истиқомат қиладиган жойларда тезлик меъёри аниқ белгилаб қўйилганга қарамай, шўқалоқлик қилишади. Бундай қоидабузарлик учун жазимага тортилса ёки хайдовчилик гувоҳномалари олиб қўйилса, ўзларидан эмас, бошқалардан ранжиб юришади.

Хайдовчилик маданияти ва одоби шундан иборатки, ўзини ҳурмат қиладиган, оиласини, болаларини ўйлайдиган хайдовчи йўлда ДАН ходими турмаса ҳам белгиланган қоидага сўзсиз риоя қилади. Йўл қоидасини бузмаслик ДАН ходимига эмас, биринчи навбатда, унинг ўзига керак.

Ота АХМАД



Саволларга Жиззах вилояти адлия бошқармаси шўъба мудирини

Б.АЗИЗОВ жавоб берди.

Донорлик

беминнат саховат ифодасидир

Соғлиқни сақлаш

Шундай одамлар борки, улар ўз фидойилиги билан кимларнингдир ҳаётини сақлаб қолади, ўзлари танимаган-билмаган инсонларнинг умрини узайтиради. Гап саховатпеша, танти донорлар ҳақида кетмоқда.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, ҳар учинчи инсон ҳаёти давомида бир марта бўлса ҳам донорлик қонига эҳтиёж сезар экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича эса, мамлакатимизда безарар қонга бўлган эҳтиёжни қондириш учун фуқароларнинг 1 фоизи қон топишириши етарлидир.

Республикамизда донорлик ҳаракатини кенг миқёсда ривожлантириш, қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам аниқлаш мақсадида ҳуқуқий-амалий асос яратилган. Хусусан, "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Қонунда белгиланганидек, ўз хоҳиши билан беғараз қон топишган донорлар қон топишгандан сўнг бепул оватланиши, текширувдан ўтиши ва ўша кунлари 2 кунга ишдан (ёки ўқидан) озод этилиши мумкин.

Яқинда ҳукуматимиз томонидан донорларни янада руҳлантириш, қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи яна бир муҳим ҳужжатга имзо чекилди. Яъни, 2014 йил 23 июль кунги Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фахрий донори кўрак нишонини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда ўз қонини қандайдир қўрак марта ёки унинг таркибий қисмларидан бир қисмини қандайдир олти марта бепул топишган фуқаролар, ҳатто Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланмаган шахслар ҳам мазкур кўрак нишон билан муқофотланиши белгиланган. Ушбу меъёрий ҳужжатда, беғараз қон топишувчи донорларга айрим турдаги имтиёзлар жорий этилиши, хусусан, шифонага ётқизилганда оватла-

нишга пул тўлашдан озод этилиши ҳам назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Фахрий донори кўрак нишонини ва унга гувоҳнома Жаҳон донор кунини — 14 июнда Соғлиқни сақлаш вазири ёки бошқа масъул шахслар томонидан топирилади.

Аҳолининг кенг қатламини беғараз донорликка жалб қилиш, айниқса, ёшларимизда раҳмдиллик ва инсонийлик туйғусини шакллантириш, ушбу руҳда тарбиялаш мақсадида Вазирилар Маҳкамаси томонидан "Ўзбекистон Республикасида бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш Дастури" ишлаб чиқилиб, тасдиқланиши натижасида қатор тегишли давлат ташкилотлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари кўчатилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг биргаликдаги саёй-ҳаракати натижасида ёшлар ўртасида беғараз донорлар сони кескин ортган.

— Маълумки, қон, унинг компонентлари ва препаратлари (плазма, эритроцитлар, тромбоцитлар, альбумин ва иммуноглобулинлар) инсон ҳаёти хавф остида қолганда қўйилади. Шунингдек, қон тизими касалликларидан (огир даражали камқонликлар, лейкоз, яъни оққон хасталиги, қон ивиш тизими бузилиши — гемофилия касаллиги, коагулопатиялар), саратон, патологияли огир кечадиган турғуларда, операцияларда, огир даражали куйишларда ва турли факулда ҳолатларда асқо-



тади. Бундай вазиятда керакли микдордаги қонни топиш учун соғлом инсонларни доимий, беғараз қон донорлигига жалб этиш лозим, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Аълону Саидов**. — Ана шундан келиб чиқиб, юртимизда аҳолини донорликка жалб қилишда зарур тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Рақамларга эътибор қаратса, агар 2012 йилда 103 минг 500 нафар донор қон берган бўлса, ўтган йили эса бу кўрсаткич 120 минг 900 нафарни ташкил этди. Сўнгги йилларда беғараз донорларнинг сафи кенгайишининг сабаби истиклол йилларида халқимизнинг фикрлаш дунёси буткул ўзгаришида, уларнинг азалдан қалбидан жой олиб келган бағрикенглик, инсонийлик, ҳамдардлик билдириш туйғуси қайтадан намоён бўлишида, деб ҳисобланган. Айни пайтда беғараз донорларни янада кўпроқ жалб қилишда

махалла, ўқув муассасалари ва давлат ташкилотлари ўртасида тарғибот-ташвиқотни кўчатириш масаласи долзарблигини йўқотмаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Биргина ўтган 2013 йилда жамиятимизнинг кўнгли аъзолари, соҳа мутахассислари, таниқли шахслар ёрдамида ташкил этилган семинар, давра суҳбати ва хайрия акциялари натижасида вилоятдан 93 нафар фуқаро ўз хоҳиши билан донор бўлиш учун йўлланмани қўлга киритишди, — дейди **Қизил Ярим Ой жамияти Наманган вилоят бўлими раиси Дилором Сайфуддинова**. — "Қон — бу ҳаёт!" шiori остида тадбирларимизни ўтказишда, беғараз донорларни жалб этишда вилоятимиздаги маҳаллаларнинг ўзидан 170 га яқин кўнглилар фаол иштирок этгани кишини хурсанд қилади. Шу кунларда жамиятимиз томонидан бу борадаги давлат дастурларидан "Самарали амалга ошириш тизимини ишлаб чиқиш, аҳолига таъсирчан усул ва услубларда тарғиб қилиш механизмини такомиллаштириш

бўйича қатор ишлари олиб борилмоқда.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозим, 18 дан 60 ёшгача бўлган соғлом инсонлар Тошкентда ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларимизда фаолият юритаётган Қон куйиш станцияларида тўрт босқичли тиббий текширувдан ўтказилиб, шифокор тавсиясига биноан донорлик қилиши мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, соғлом киши учун қон топириш, албатта, хавфсиз, ҳаттоки айрим ҳолларда фойдали ҳисобланади. Одам организмидан 4,5-5 литр қондан 400 мл. олинса, организм 36 соат ичида йўқотган суяқлиги ўрнини тиклаб олиш хусусиятига эга.


Мухтасар мақоламиз сўнггида эл-юрт тараққиёти учун хизмат қилиб, миллатимиз генофонди ва халқимизнинг саломатлик кўрсаткичи янада яхшилланишига қўмақлашиш нияти бўлган инсонларни донор бўлишдек "саъобли" хайрия ишга қорлаб қолган булардик.

Соодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Янги тизим мукамал ишламоқда

Гарвард университети олимлари 1024 мини-роботдан иборат ўзини ўзи бошқара оладиган тизим яратдилар.

Ҳар бир мини-робот диаметри 3 сантиметрга тенг қурилма бўлиб, уларнинг ҳаракатини урта қаттиқ оёқча ва иккита вибромотор таъминлайди. Алоҳида роботлар ўртасидаги алоқа мандадан тарқатилган инфрақизил нурул ёрдамида амалга оширилади.



Умуман олганда, роботлар фаолиятини чумолиларнинг хатти-ҳаракатлари билан солиштириш мумкин: аввалига тартибсиздай кўринган хатти-ҳаракатлар бора-бора тизимга тушади ва ягона мақсад йўлида амалга оширилади. Энг муҳими, ҳар бир митти робот икки ёнидаги қўшнисининг ҳолатини кузатиб туради, бу эса тўқнашиб кетишларнинг, ағдарилишларнинг олдини олади.


Тадқиқотлар жараёнида 1024 робот оператор томонидан берилган исталган даражадаги мураккаб шаклни ярата олдилар. Барча ишларга тизимнинг асосини ташкил этган тўрт робот раҳбарлик қилиб турди, қолган қурилмалар улар атрофига бирлашди.

Мутахассислар яқин келажақда бундай тизимлар турли мураккаб вазифаларни ҳал этишда катта амалий аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблашмоқда. Жумладан, атроф-муҳитни тадқиқ этишда, зарарли моддаларни йўқ қилишда, табиий ёки техноген ҳалокатлар рўй берган жойларда ҳудуднинг ифлосланганлик даражасини аниқлашда бундай тизимлар энг огир ва муҳим вазифаларни бажара олади.

Дарвоқе, мазкур пластик мини-роботлар жуда тез тайёрланади, уларнинг таннархи ҳам банд эмас. Жумладан, оддий стандарт жиҳозлар ёрдамида бундай қурилмаларни конвейерда бирданига минглаб чиқариш мумкин.

Улгурсанг бас!

Бир гуруҳ япон олимлари бир сонияда 4,4 триллион кадр тезликда суратга олишга қодир янги фотокамера яратдилар.



Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бундай ақл бовар қилмас тезликда суратга олиш плазма динамикаси, кристалларда фотонлар ёйилишини

ўрганиш жараёнларида асқо-тади.

Тўғри, ҳозирча янги фотокамера бир неча квадрат метр майдонни эгаллаб турибди. Аммо олимлар тез орада шундай имкониятларга эга митти фотоаппаратлар ишлаб чиқишига ишонч билдиришмоқда. Бунинг устига, мутахассислар аниқ фанларда, тиббиёт ва автомобилсозликда бундай қурилмаларга эҳтиёж катталигини айтишмоқда.

Бу сафар одам айбдор

Машҳур Стэнфорд университети олимлари бонг уришмоқда: уларнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, Ер юзида олтинчи бор ҳайвонларнинг оммавий равишда қирилиб кетиши ҳодисаси содир бўлмоқда.

Олимларнинг эслатиб ўтишига кўра, ҳайвонларнинг дастлабки қирилиб кетиши 440 миллион йил бурун содир бўлган. Ушанда Гондвана қитъасининг силжиши натижасида океан сатҳи кескин пасайиб кетган. Натижада денгиз ҳайвонларининг 60 фоизи ҳалок бўлган.

Ҳайвонларнинг иккинчи оммавий қирғини эса 364 миллион йил олдин содир бўлган ва унда денгиз ҳайвонларининг тенг ярмига қирон келган.

Учинчи ҳалокат 251,4 миллион йил аввал рўй берган. Тахминларга кўра, Ерга улкан астероид келиб урилиши натижасида ҳайвонларнинг 95 фоизи ҳалок бўлган.

Тўртинчи оммавий қирилиб кетиш 199,6 миллион йил бурун юз берган. Динозаврларни эса бундан 65,5 миллион йил бурунги бешинчи фалокат Ер юзидан супуриб ташлаган.

Ҳа, бу фалокатларга инсоннинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Афсуски, биологларнинг ҳулосасига кўра, айнан одамлар фаолияти ҳайвонларнинг олтинчи маротаба қирилиб кетиши бошланишига сабабчи бўлмоқда.



Олимлар инсоният сайёраимизда 200 минг йилдан бери яшаб келмоқда, деган тахминларни илгари суришмоқда. Шу давр мобайнида бир мингга яқин ҳайвонлар тури буткул қирилиб кетган. Бироқ бугунги келиб мазкур жараён бениҳоя тезлашиб кетган. Жумладан, айрим тадқиқотларга кўра, ҳайвонларнинг 16 фоизидан 33 фоизига қадар қирилиб кетиш арафасида. Сабаб эса битта: одамларнинг фаол ҳўжалик юритиши оқибатида Ер юзидан ўрмонлар йўқолиб кетмоқда, экотизим издан чиқмоқда, иқлим ўзгармоқда.

Тўғри, ҳозирча ҳайвонларнинг қирилиб кетиши жараёни суръати банд бўлса-да, оммавийлик касб этмади. Бироқ шундай кунлар келиши яқинга ўхшаб турибди. Зеро, дунёимизнинг энг йўқик ҳайвонлари: китлар, филлар, йўлбарслар бугун буткул йирилиб кетиш арафасида.

Олимлар ҳайвонларнинг олтинчи маротаба оммавий равишда қирилиб кетишининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Бу иш ҳам инсониятнинг ўз қўлида экан. Яъни, атроф-муҳитни фаол муҳофаза қилиш, ҳайвонларнинг жойдан-жойга қўчишини ташкиллаштириш, уларнинг иқлимга мослашишига қўмақлашиш... Шунингдек, айрим жойларда мавжуд бўлган ёввойи табиатни тиклаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур. Айниқса, бўрилар ва сув қундузларини аввал яшаб келган экотизимларига қайтариш катта самара келтиради.

Мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра, бир-икки асрлик бундай доимий ва изчил фаолиятга ҳайвонларнинг оммавий равишда қирилиб кетишининг олдини олади...

Интернет хабарлари асосида **Зилола ЙЎЛДОШЕВА** тайёрлади.

Қонун ижроси билан кучли

Адлия минбари

Қонун ҳаётимизда айрим фуқаролар қонун, қонуности ҳужжатлари ва жамиятда ўрнатилган бошқа қондаларга риоя этмасдан, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этишганига жуда кўп гувоҳ бўлганмиз ёки бу ҳақида эшитганмиз. Айрим ҳолларда эса ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар вояга етмаган шахслар томонидан содир этилаётгани ачинарли ҳолдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг аксарият қисми уларнинг назоратсиз қолган вақтларига тўғри келмоқда. Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан назоратсиз қолдирилган айрим вояга етмаганларнинг ҳулқ-атворида секин-асталик билан турли салбий ўзгаришлар содир бўлади. Натижада вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар содир этилишига шароит яратилмоқда.

Бу эса уларнинг келажақ ҳаётига, қолаверса, мустақил давлатимизнинг раванқига ўзининг жиддий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани бежиз эмас, деб ўйлайман.

Профилактика — маълум бир жараённинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи бўлиб, уни икки хил манода тушуниш мумкин: Профилактика — тиббий маънода касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи; Профилактика — ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи; Профилактика субъекти бу

ларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш ҳам улар зиммасидаги вазифадир.

Қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида асосий вазифа жойлардаги ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган бўлиб, улар томонидан амалга оширилган ишлар, албатта, ўз самарасини бериб келмоқда.

Бугунга келиб, ижрога кирган мазкур қонун билан юқоридаги вазифалар ижроси бўйича тегишли органлар зиммасига алоҳида вазифа ва мажбуриятлар белгилаб берилди.

Жумладан, қонуннинг 9-моддаси талабларига мувофиқ ишлар, прокуратура, миллий хавфсизлик, адлия, божхона хизмати, солиқ хизмати, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, табиатнинг муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ҳуқуқбузарлик профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз муносабатини билдириб, ваколати доирасида иштирок этиш жараёнлари белгилаб берилган.

Демак, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жараёнида деярли барча орган ва муассасалар ўзининг иштироки билан ижтимоий реабилитация қилиш

ва ижтимоий мослаштириш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий ҳулқ-атвори, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қондаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда яқиндан ҳуқуқий ва амалий қўмақ беради.

Вояга етмаганларни профилактика ҳисобга олиш жуда мураккаб жараён бўлиб, вояга етмаганнинг оилавий шароити, ҳулқи, одоби, қизиқишлари, ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этишга мойиллиги, ҳуқуқбузарликда иштирокчилик даражаси, ота-онаси ёки уларни ўрнини босувчи шахсларнинг хусусиятлари, оиладаги муҳит каби муҳим омиллар ўрганилади.

Жойларда "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонун талаблари ва асосий принциплари асоси бўйича белгилаб берилган вазифалар ва мажбуриятлар тўғри йўлга қўйилиб, ижроси бўйича масъул бўлган мансабдор шахслар ўз ваколати доирасида амалга ошириши лозим бўлган бурчлари бажарилган ҳолатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан, айниқса, вояга етмаган ёшлар орасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчиликларнинг олдини олишда, пировардида республикаимизда унинг суръати кескин қайишиши назарда тутилмоқда.

Адхам ШАЙЖИТОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими.
Абдурахмон ТАДЖИБАЕВ,
Адлия вазирлиги адлия бошқармаси масъул ходими

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг аксарият қисми уларнинг назоратсиз қолган вақтларига тўғри келмоқда. Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан назоратсиз қолдирилган айрим вояга етмаганларнинг ҳулқ-атворида секин-асталик билан турли салбий ўзгаришлар содир бўлади. Натижада вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар содир этилишига шароит яратилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП

Сурхондарё вилояти кенгаши фаоллари

Сиз, азиз юрtdошларимизни, партия фидойиларини барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги билан самимий табриклайди!

Муборак айём ҳар бирингизга олам-олам қувонч бағишласин. Хонадонингиздан файзу барака аримасин.

Ҳур, келажаги порлоқ, эркин ва обод Ватанимиз тоабад гуллаб-яшнасин!



Reklama o'rinda



Халқ хизмати йўлида

➤ Молия муассасаларида

Мамлакатимизда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва оилавий бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Соҳадаги муҳим вазифалар "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам белгиланган.



Раҳимова ҳам худудий филиал мижозини сифатида ишлаб чиқариш йўналиши бўйича чеварчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 4 млн. сўм миқдорда банк кредитига эга бўлди, бунинг ҳисобига 2 та янги иш ўрни яратилди.

Юртимизда озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириши ва ички бозорни тўлдирishi, аҳолини етарли миқдорда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам банк вилоят бошқармасининг ўрни бекиди. Хусусан, жорий йилнинг 1 август халатида банк кредити маблағлари ажратилиб, жами 565 та иш ўрни яратилди. Худуди шунингдек, вилоятда но-оziқ-ovқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириши рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг 1 август халатида ишлаб чиқарувчиларга 6,1 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилиб, жами 220 та иш ўрни очилди.

"Агробанк" ОАТБ Андижон вилоти бошқармаси томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун ҳам кре-

дит маблағлари ажратиб келинмоқда. Амалга оширилган лойиҳалар натижасида худудда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда. Бундан ташқари, интенсив боғдорчиликни ривожлантиришга 192,0 млн. сўм миқдордаги кредит маблағлари йўналтирилди. Пахтабод туманидаги "Агроном олим" фермер хўжалиги бир неча йилдан буён банкнинг Марҳамат филиалида ўз ҳисоб рақамини очиб фаолият юритиб келмоқда. Хўжалик раҳбари Махлиёхон Ибрагимова мева-сабзавотчилик йўналиши бўйича замонавий иссиқхона қуриш мақсадида банкка қилган мурожаати бўйича 30,0 млн. сўм миқдорда банк кредити ажратилди, бунинг ҳисобига 3 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, хўжалик галла етиштириш бўйича кўп йиллик таърибага эга бўлиб, жорий йилда 30 тоннадан зиёд сифатли ҳосил олинди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозим, "Агробанк" АТБ Андижон вилоти бошқармаси ходимлари вилот ахли турмуш фаровонлигини янада оширишга бор кучини сафарбар қилишда давом этаверади.

Абдуғани СОДИҚОВ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти кенгаши фаоллари



Юрtdошларимизни

Улуғ ва ҳаммамиз учун азиз айём — Истиқлолимизнинг 23 йиллиги билан қутлайди!



Барча-барчангизга узоқ умр, оилавий бахт, бунёдкорлик ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.



Ўзбекистон аталмиш заминимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Тинчлик учун курашмоқ керак

➤ Огоҳлик

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизимларида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сenga бахшида, гўзал Ўзбекистони!" шиорини ўзида мужассам этган тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда.

Жумладан, куни кеча "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизимидаги "Ўзтемирйўлчу" ОАЖда "Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни тарбиялашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан кенг жамоатчилик орасида тарғибот ишларини олиб бориш, ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда терроризм, диний экстремизм ва бошқа ёт оқимлар ҳақида тушунчалар бериш, огоҳликка чиқариш, фуқароларда ён-атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга қаратилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро дўст-биродарликда, тинч-тотув истиқомат қилиб келмоқда. Республикада 16 та конфессияга мансуб 2200 дан зиёд диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда.

Бош Қомусимизда шу муқаддас заминда яшаётган барча фуқароларга жинси, ирки, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақоиди қатъий назар, қонун олдида тенг эканлиги белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотлар ва янгиланиш жараёнлари, бунёдкорлик ишлари авваламбор, инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Ҳар йили Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари кузатишмоқда. Булар барчаси юртимиздаги тинчлик ва оқойишталик мевасидир.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, биз шиддат билан ўзгариб бораётган, таҳликали бир даврга яшамоқдамиз. Бир томондан уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси, иккинчи томондан гоёвий таҳдидлар ва ахборот хуружи, диний экстремизм ва миссионерлик ҳаракатлари бизнинг тинч ва оқойишта ҳаётимизга таҳдид солмоқда. Терроризм ва дин ниқобидаги экстремизм аллақачон миллий, этник, диний ва худудий хусусиятини йўқотиб, халқаро муаммога айланган.

Тадбирда намоийш этилган «Тинчлик учун курашмоқ керак» номли

фильмда Яқин Шарқдаги давлатларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш оқибатлари акс эттирилган.

Марказий Осиё геосиёсий жиҳатдан стратегик минтақа ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, подполковник Суннат Шеров. — Айрим сиёсий кучлар ўз манфаатлари йўлида бузғунчилик йўлини танлаб, ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, тинч ҳаётни бузишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу билан бирга, ёшларимиз онгини захарлашда баъзи миссионерлик ташкилотларнинг яширин тарғибот ишларини олиб бораётгани, айрим ижтимоий, моддий ва руҳий эътибор-манда фуқароларга кўмак бериш, ишончига қириб, ўз гоёлари ортидан эргаштиришга ҳаракат қилаётгани асосий таҳдидлардандир.

Шунингдек, айрим фуқароларимизнинг билми-билмай енгил-елги ҳаётини орзу қилиб, мўмай даромад топиш илинжида хоризга чиқиб кетаётгани, фирибгар кимсаларнинг тузоғига илиниб одам савдоси қурбонига айланиб қолаётгани ҳам ачинарлидир. Бу эса ҳар биримиздан доимо огоҳлик ва сергакликни талаб этади.

Дарҳақиқат, биз тинчликсевар, буюк мақсадларни кўзлаган халқимиз. Ушбу эзгу мақсадларга эришишга ҳар биримиз ҳар куни, ҳар соатда ҳиссамизни қўшишимиз ва осуда ҳаётимизни сақлашимиз талаб этилади. Бинобарин тинч ва осуда ҳаёт бўлган жойда, кут-барака ва файз бўлади.

Жонли мулоқот ва қизгин мунозараларга бой ўтган давра суҳбатида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасаддилардан батафсил жавоб олдилар.

Бобур ТУНГАТОВ

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририйт маъли: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонкор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolat.uz; adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217



Таҳрир ҳайъати: Дилорам ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамазонир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қолдир ЖУРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, ҳуқуқ ва халқаро бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Р.Аҳмадалиев Навбатчи — И.Ахунджанов.

«Шарқ» НМАК босмахонасида chop этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Тўроқ кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 800. Адади — 5928. Босишга тошхирати вақти — 20.50. Босишга тошхирати — 23.50. Баҳоси келишидан нарҳда.